

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**237** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон Фармони аналга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» 2016 йил 13 майдаги ПФ–4797-сон Фармонига мувофиқ Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети Самарқанд давлат университети деб қайта номлансин.
2. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 24 май,  
173-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*